«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Наманган муҳандислик-қурилиш
институти ректори
Ш.Эргашев
«6» июль 2022 йил

«ҚУРИЛИШ ВА ТАЪЛИМ»

илмий журнал таҳририятининг

Н И З О М И

НАМАНГАН-2022 ЙИЛ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом **“Қурилиш ва таълим”** илмий журнали таҳририятининг (бундан буён матнда «Таҳририят» деб юритилади) ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий асосларини белгилайди.

1.2. Илмий журнал ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлар, таълим, илм-фан, меҳнат ва фуқаролик қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар, Президент Фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

1.3. **ОАВ муассиси** – Наманган муҳандислик-қурилиш институти (*бундан буён матнда «Муассис» деб юритилади*) ҳисобланади.

1.4. **ОАВнинг тури:** илмий журнал.

1.5. **ОАВнинг номи: “ҚУРИЛИШ ВА ТАЪЛИМ”**

1.6. **ОАВнинг тили:** ўзбек, рус ва инглиз.

1.7. **ОАВнинг мақсад ва вазифалари:**

- илмий йўналишларни кенг тарғиб қилиш;
- ҳукуматнинг илм-фанни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги сиёсатини кенг тарғиб қилиш;
- республикамизнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот институтлари, илмий-ишлаб чиқариш марказлари ва хорижда бажарилган илмий аҳамиятга молик илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини нашр этиш;
- талаба ёшларнинг дунёқарашини бойитиш, қўлга киритилаётган ютуқлар ва тегишли соҳалардаги илғор тажрибаларни кенг халқ оммасига етказишда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;
- таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларини кенг тарғиб қилиш;
- олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;
- олий таълимнинг маънавий-аҳлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни ёритиб бориш;
- Қонунчиликка мувофиқ, мастер-класслар ўтказиш, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни жалб қилиш ҳамда хориж таълим даргоҳларига хизмат сафарлар уюштириш, турли грант лойиҳаларида иштирок этиш.

Шунингдек, таҳририят меҳнат қонунчилигига мувофиқ ёзма шартнома асосида ишга олинган, жамоатчи, шартнома асосида ишловчи мухбирлар, жамоатчи экспертлар, турли соҳа мутахассислари кўмагига таянади ҳамда интернет тармоғидан фойдаланади.

1.8. **ОАВнинг ихтисослашуви:** ОАВнинг ихтисослашуви: архитектура ва конструкторликда муҳандислик геометрияси ва компьютер графикаси ва шу фанни таълим турларида самарали ўқитиш муаммолари бўйича олиб борилган илмий-назарий ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар натижаларини чоп этишга ихтисослашган илмий журнал.

1.9. **ОАВнинг даврийлиги:** Журнал бир йилда олти мартагача чоп этилади. (*Кейинчалик рўйхатдан ўтказувчи органни бир ой муддатда ёзма шаклда хабардор қилган ҳолда даврийлигига ўзгартириш киритилиши мумкин*)

1.10. **ОАВнинг ҳажми:** А-4 форматда (талаб ва таклифга қараб электрон кўринишда бўлиши мумкин), 150-250 бетларда, 200 адад ва ундан кўп. (талаб ва таклифларга қараб ҳажми белгиланган тартибда ўзгариши мумкин).

1.11. **ОАВ таҳририятининг жойлашган ери (почта манзили):** 160103. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 12-уй. Тел: (+99869) 234-15-23. Факс: (+99869) 234-15-23. Электрон почта: grafikarhitek@gmail.com

1.12. **Тарқатиш ҳудуди**: асосий қисми Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, унинг ташқарисида.

1.13. **ОАВнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли: "Қурилиш ва таълим"** журнали Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг таркибий бўлинмасидир ва у алоҳида юридик шахс ҳисобланмайди.

II. МУАССИСНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. МУАССИС қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- оммавий ахборот воситасининг рўйхатда қайд этилган номидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;
- таҳририят бошқарув органларини шакллантиришда таъсис шартномаси, таҳририят низоми ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиш;
- фойдани тақсимлашда ва зарарларнинг ўрнини қоплашда иштирок этиш;
- энг катта ҳажми ва чиқариладиган муддати таҳририят низомига ёки муассис ва таҳририят ўртасидаги шартномага мувофиқ белгиланадиган, реклама тусида бўлмаган хабар ёки материалларни ўз номидан оммавий ахборот воситасида бепул жойлаштириш;
- таҳририят низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- таҳририятнинг иш режаси, штатлар жадвали, харажатлар сметаси ҳамда бошқа ташкилий-ҳуқуқий тузилмасига оид ҳужжатларини тасдиқлаш;
- таҳририят бош муҳарририни тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ у билан меҳнат шартномаси тузиш, шунингдек, таҳририят бош муҳаррири билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муддатидан олдин тугатиш;
- таҳририят ходимларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший меҳнат шароитларини ташкил этиш тартибини белгилаш;
- меҳнат интизомини бузган ва қонуний талабларни бажармаган, топшириқ ижросини сифатли таъминламаган ходимга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб, жазо ва чоралар қўллаш;
- таҳририят фаолиятини вақтинчалик тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларида ва ушбу низомда назарда тутилган ваколатлар доирасида таҳририят фаолиятини бошқариш.

2.2. Муассис таҳририятнинг фаолияти тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш ҳуқуқига эга.

2.3. Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.4. МУАССИСнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- таҳририятни ташкил этиши;
- таҳририят низомини тасдиқлаши;
- таҳририят билан шартнома тузиши;

- оммавий ахборот воситасининг доимий ишлашини таъминлаши;

- оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаши;

- таҳририят ходимлари билан меҳнат шартномаси тузиши;

- муассиснинг низом фонди ўзгарганлиги ҳақида, агар низом фондида чет эл инвестициялари улуши Қонунда назарда тутилган чегарадан ортиб кетган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ваколатли давлат органини (рўйхатдан ўтказувчи органни) хабардор этиши шарт;

- таҳририятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаши;

- таҳририят жамоасидаги меҳнатга оид муносабатларни қонун ҳужжатлари, ушбу Низом, жамоа шартномаси талаблари асосида, ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномалари ҳамда таҳририят қабул қилган бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ тартибга солиши;

- таҳририят ходимларига зарурий иш шароитларини яратиши;

- ходимларга белгиланган тартибда ойлик маошлари, мукофотлар, моддий ёрдамлар, меҳнат таътиллари маблағлари билан боғлиқ харажатларини тўлаб бориши;

- таҳририят журналистларининг турли тадбир ва анжуманларда иштирокини таъминлашдан иборат.

2.5. Муассисга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

III. ТАҲРИРИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Таҳририят ўз касб фаолиятида мустақилдир.

3.2. ТАҲРИРИЯТ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- таҳририятнинг йиллик иш режаси, харажатлар сметаси ва бошқа фаолиятни ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш,

- ахборот излаш, тўплаш ва тарқатиш;

- ахборот олиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар ва муассасалар, ташкилотларга мурожаат қилиш;

- давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотлардан фойдаланиш;

- таҳририят бошқарув органларини шакллантиришда журнал низоми ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиш;

- оммавий ахборот воситаси сифати, савияси, миқдори бўйича таклифлар, бизнес-режалар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

- республика миқёсида эълон қилинадиган, қонун талабларига зид бўлмаган танловларда иштирок этиш ва фаоллик кўрсатиш;

- анжуманлар ва кўргазмалар ташкил этиш;

- таҳририят қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.3. ТАҲРИРИЯТ мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- оммавий ахборот воситасини тайёрлаш ва тарқатишда Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни ва соҳага оид бошқа амалдаги қонуности ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

- журнал ўқувчилари олдидаги мажбуриятларини тўла-тўкис бажарилишини таъминлаш;

- ходимларнинг тўплаган, тайёрлаган, таҳрир этган ва тарқатишга мўлжалланган материалларининг ҳаққонийлиги, холислиги, долзарблигини таъминлаш.

3.4. Таҳририят зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

IV. ТАҲРИРИЯТ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ

4.1. Таҳририят мол-мулки муассисга тегишли бўлган мол-мулклардан таркиб топади. Уларнинг қиймати муассис балансига қайд этиб қўйилади.

4.2. Муассис журнал билан боғлиқ доимий харажатларни ўз зиммасига олади. Шунингдек, таҳририятни бино ҳамда зарур техник анжомлар, жиҳозлар билан таъминлайди. Келгусида журнал фаолиятида реклама-тижорат ва ахборот хизматларини кенг йўлга қўйиш, ҳомийлик ёрдамлари ҳамда таҳририят Низомида белгиланган бошқа хизмат турлари орқали топиладиган маблағлар ҳам молиявий манба саналади.

4.3. Таҳририят ахборот, реклама, дизайн ва белгиланган тартибда ваколатли органдан тегишли рухсатнома олганидан кейин матбаа хизматлари кўрсатиш орқали ҳам иқтисодий аҳволини яхшилаши мумкин.

4.4. Таҳририят мол-мулкини тасарруф этиш муассис томонидан амалга оширилади.

4.5. Амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ва миқдорини, мукофотлар, қўшимча ҳамда устама ҳақларнинг барча турларини белгилашда, ҳар бир ходимнинг иш ҳақини унинг умумий ишга қўшаётган ҳиссасига қараб белгилашда ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг юқори даражаси бирор-бир тарзда чегараланмайди.

4.6. Таҳририят ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдори муассис томонидан белгиланади ва тасдиқланади. Ходимлар иш ҳақининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибга асосланади.

4.7. Таҳририят журнал хизматлари нархини бозор талабидан келиб чиқиб мустақил баҳолайди, бошқа хизматларнинг ҳақини белгилайди.

V. ТАҲРИРИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Бош муҳаррир муассис томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5.2. Бош муҳаррир таҳририятга раҳбарлик қилади, оммавий ахборот воситасининг чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг фаолияти учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

5.3. Қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ, бош муҳаррир оммавий ахборот воситасининг муассиси, тарқатувчиси, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда, шунингдек, судда таҳририят номидан иш юритади.

Бундан ташқари, бош муҳаррир:

- таҳририятнинг иш режаси, штатлар жадвали, харажатлар сметаси ҳамда бошқа ташкилий-ҳуқуқий тузилмасига оид ҳужжатларни ишлаб чиқади;
- таҳририят ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шакли, тизими, миқдори, шунингдек, қалам ҳақи миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилашда иштирок этади,
- таҳририятда ижро интизоми ва меҳнат интизоми бўйича тадбирлар белгилайди ва уларга риоя этишни ташкил этади, чоралар кўради;
- таҳририятда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва таҳририятда белгиланган меҳнат тартиб-қоидалари ҳамда техника хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда ишни ташкил этади;
- таҳририят ходимларининг турли тадбир ва анжуманлар, танловларда иштирокини таъминлайди.

5.4. Бош муҳаррир ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

5.5. Бош муҳаррир вақтинча йўқлигида унинг вазифасини масъул ходимлардан бирига юклаш муассиснинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

5.6. Бош муҳаррирга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

VI. ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Журналдан орттирилган фойда муассис ихтиёрида бўлиб, таҳририятнинг фаолиятини янада кенгайтиришга, таҳририятни ривожлантиришга ва унинг моддий-техник таъминотини янада яхшилашга, шунингдек, ходимларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга тақсимлайди ва мақсадли фойдаланади.

6.2. Агар журнал зарар кўрадиган бўлса, муассис зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради.

6.3. Муассис Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддаси 5-хатбошисида белгиланган тартибда, яъни таҳририятнинг фаолияти тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш ҳуқуқига эга.

VII. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИНИНГ ЧИҚАРИЛИШИНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ЁКИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни ва соҳага оид бошқа амалдаги қонуности ҳужжатлари талаблари асосида, шунингдек, муассис қарори ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг аризаси асосида суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

7.2. Журнал оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мунтазам риоя этмай келган тақдирда ваколатли орган оммавий ахборот воситасини тугатиш (унинг фаолиятини тугатиш) ҳақида судга мурожаат этишга ҳақли.

7.3. Муассис оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини таҳририят Низомида назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда тўхтатиб туриш ёки тугатишга ҳақлидир.

7.4. Муассис оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилгандан кейин ўз қарори ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни уч кун ичида ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор этиши шарт. Мазкур хабарнома ушбу оммавий ахборот воситаси чиқарилишининг тўхтатиб турилиши ёки тугатилишидан олдинги сўнгги чиқарилишларидан бирига жойлаштирилиши керак.

7.5. Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини суд қарорига кўра тўхтатиб туриш ёки тугатиш ушбу оммавий ахборот воситасининг олти ойдан зиёд вақт мобайнида чоп этилмаганда, шунингдек, рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан таҳририятга нисбатан чиқарилган огоҳлантиришга сабаб бўлган қонун ҳужжатлари бузилиши такрорий ёзма огоҳлантиришдан кейин бир ой муддат ичида бартараф этилмаганда, суднинг оммавий ахборот воситасини чиқаришни тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори бажарилмаганлиги тақдирда амалга оширилади.

VIII. ТАҲРИРИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ЁКИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

8.1. Таҳририят фаолиятини тугатиш ва қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8.2. Таҳририятнинг фаолияти муассиснинг қарори ёки суд қарори билан тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши мумкин.

8.3. Таҳририят фаолияти тугатилган тақдирда, барча кредиторлар билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилингандан сўнг қоладиган соф фойда муассисга тегишлидир.

8.4. Таҳририятга рўйхатга олувчи орган томонидан берилган гувоҳнома бекор қилингандан сўнг оммавий ахборот воситалари реестридан чиқарилади ва шу кундан бошлаб тугатилган, деб ҳисобланади.

8.5. Таҳририят тугатилган ёки гувоҳномаси бекор қилинган тақдирда, амалдаги гувоҳноманинг асл нусхаси рўйхатга олувчи органга қайтарилиши шарт.

8.6. Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тугатиш тўғрисида муассис томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, таҳририят муассиснинг рухсати билан худди шундай номдаги оммавий ахборот воситасини белгиланган тартибда таъсис этишга ҳақлидир. Бундай ҳолда оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш талаб қилинади.

8.7. Мазкур оммавий ахборот воситаси рентабеллиги таъминланмаган тақдирда ва журнални ривожлантириш имкониятлари топилмаган ҳолларда ёхуд оммавий ахборот воситаси фаолияти соҳага оид амалдаги қонунчиликка асосан суд қарори билан тўхтатилса, муассис билан келишилган ҳолда, таҳририят ўз фаолиятини тўхтатади ва таҳририят давлат реестридан чиқарилган кундан бошлаб тугатилган, деб ҳисобланади.

8.8. Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини қайта бошлаш рўйхатдан ўтказувчи орган аниқлаган қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар муассис ва (ёки) таҳририят томонидан судга тақдим этилганидан кейин суд қарорига асосан амалга оширилади.

8.9. Таҳририят рентабеллиги таъминланмаган тақдирда ва журнални ривожлантириш имкониятлари топилмаган ҳолларда ёхуд таҳририят фаолияти қонунга асосан суд томонидан тўхтатилса, муассис қарори билан ўз фаолиятини тўхтатади.

IX. НИЗОМНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УНГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур таҳририят Низоми қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинади ва муассис томонидан тасдиқланади.

9.2. Таҳририятнинг Низомига муассис қарори билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади, муассис томонидан тасдиқланади.

9.3. Шароит туғилганида ёки эҳтиёжга кўра, муассис қарори билан амалдаги Низомга ўзгартиришлар, тузатишлар киритилиши ва янги таҳрирдаги Низом қабул қилиниши мумкин. Муассис ўзгартиришлар киритишда Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддаси талабларига қатъий амал қилиши шарт.

X. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ БОШҚА ҚОИДАЛАР

10.1. Таҳририятни сақлаб туриш сарф-харажатлари сметаси таҳририят бош муҳаррири томонидан ишлаб чиқилади ва муассис томонидан тасдиқланади.

10.2. Таҳририятнинг ижодий фаолияти юзасидан ҳисобот бериши белгиланган тартибда бош муҳаррир томонидан амалга оширилади.

10.3. Муаллифларнинг мақолалари ҳамда хатларидан фойдаланаётганда уларни таҳрир қилиш, қисқартириш таҳририятнинг ҳуқуқи ҳисобланиб, уларнинг мазмунини сақлаб қолишга ҳаракат қилинади.

10.4. Таҳририят бош муҳаррири ва ходимлари хизмат ҳамда тижорат сири бўлган ахборотларни сир сақлашга мажбурдирлар. Бундай сирларни ошкор этганлиги учун улар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

10.5. Мазкур Низом оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан кучга киради.

10.6. Мазкур Низом 3 нусхада, ўзбек тилида тузилган бўлиб, уларнинг барчаси бир хил юридик кучга эгадир.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасига асосан институтнинг 2022 йил «04» июлдаги 13-сонли Кенгаш қарори билан қабул қилинди ва тасдиқланди.

ҚУРИЛИШ ВА ТАЪЛИМ
Илмий журнали бош муҳаррири: **Ш.Эргашев**